Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 11 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 210 (13.273)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига

ТАҚДИМНОМА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида тан олинади.

Жазонинг асосий мақсади ҳукм қилинган шахсларнинг тузалиши ва қайта тарбияланиши, яъни ҳар бир қонунбузар содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини, жавобгарликнинг муқаррарлигини ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиш зарурлигини англаб етиши ҳисобланади.

Амнистия актининг эълон қилиниши халқимизга хос инсонпарварлик, эзгулик ва раҳмдилликнинг ёрқин ифодаси сифатида, маҳкумларда қонунга итоаткорлик ҳиссини рағбатлантиради ва қонунни четлаб ўтган шахсларга тузалиш, оиласига қайтиш ҳамда жамиятнинг муносиб аъзоси бўлиш учун яна бир имконият беради.

Шу нуқтаи назардан, амнистия акти улкан профилактик, ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, муайян тоифадаги шахсларни нафақат жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни, балки уларни даволаш, бандлигини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш борасидаги бошқа қатор муҳим тадбирларни кўзда тутади.

Таъкидлаш жоизки, амнистия актининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини таъминлаш борасидаги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келади.

Инсонпарварлик принципларига амал қилган ҳолда, аввалги амнистия актларини қўллаш ва шахсга оид иш ҳужжатларини ўрганиш натижалари асосида, келгусида озодликдан маҳрум этиш жойларида сақлаш зарурияти йўқолганлигини, шунингдек, ёши ва соғлиғини инобатга олиб, қуйидагиларни назарда тутувчи амнистия актини қабул қилиш таклиф этилади:

1. Ҳукм қилинган: аёлларни; жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни; 60 ёшдан ошган эркакларни; чет давлатлар фуқароларини; I ва II гуруҳ ногиронларини; сил касаллигининг фаол шаклига чалинган шахсларни жазодан озод қилиш (Жиноят кодексининг 167- ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган, шунингдек, ўта оғир жиноятларни содир этган шахслар бундан мустасно);

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахсларни, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахсларни жазодан озод қилиш (Жиноят кодексининг 167- ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган, Жиноят кодексининг 97-моддаси, 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахслар бундан мустасно);

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган, ҳукми қонуний кучга кирган маҳкумларни жазодан озод қилиш (Жиноят кодексининг 167- ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган, Жиноят кодексининг 97-моддаси, 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахслар бундан мустасно);

4. Аёллар; жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар; 60 ёшдан ошган эркаклар; чет давлатлар фуқаролари; I ва II гуруҳ ногиронлари; сил касаллигининг фаол шаклига чалинган шахсларга (Жиноят кодексининг 167- ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган, Жиноят кодексининг 167- ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган, Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган, шунингдек, ўта оғир жиноятларни содир этган шахслар бундан мустасно) нисбатан барча жиноят ишларини тугатиш;

5. Амнистия актига асосан озод қилинмайдиган шахсларнинг ўталмай қолган жазо муддатини:

қасддан содир этган жиноятлари учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга – учдан бир қисмига;

қасддан содир этган жиноятлари учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга – тўртдан бир қисмига қисқартириш.

Бунда, Жиноят кодексининг 97-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларнинг жазо муддатини қисқартирмаслик таклиф қилинади;

6. Содир этилган жиноий қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда:

узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган;

ўта хавфли рецидивист деб топилган;

жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган;

жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган;

муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноятлар содир этган;

ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога алмаштирилган шахсларга нисбатан амнистия актини татбиқ этмаслик.

Шу билан бирга, тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни ҳам жазодан озод қилиш таклиф этилади.

Бундан ташқари, амнистия актида асосий жазодан озод этилган маҳкумларни қўшимча жазодан озод этмаслик ҳақидаги нормани назарда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Амнистия актини татбиқ этиш борасида ошкоралик ва шаффофликни таъминлашда парламент ва жамоатчилик назорати муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда, мазкур жараёнда сенаторлар, депутатлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг бевосита иштирокини назарда тутиш таклиф қилинади.

Самарали профилактик аҳамиятга эга бўлган амнистия актининг таклиф этилган тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланилиши уларни тезроқ ижтимоий реабилитация қилиш ва жамиятга мослашишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ҳақида тақдимнома киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 10 октябрь

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 10 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида Қозоғистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари яқинда олий даражада ўтган учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан эришилган келишувлар ижросининг боришини муҳокама этдилар.

Томонлар Ўзбекистон ва Қозоғистон делегациялари турли даражадаги амалий ташрифларининг якунларига, устувор йўналишларда муҳим тижорат шартномалари тузилганига юқори баҳо бердилар.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев қатор минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари ўзаро манфаатли барча соҳаларда икки томонлама алоқаларни фаоллаштириш, дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш тўғрисида келишиб олдилар.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

2016 йил 10 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 12 октябрь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенаторлар Олий Мажлис ялпи мажлисининг кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 23-бандига мувофиқ парламентнинг юқори палатасига киритилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги масаланинг киритилиши муҳим эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштиришга, аҳоли фаровонлигини оширишга ҳамда ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳожатманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳақида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ялпи мажлисда, шунингдек, "Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам кўриб чиқилади.

Мажлисда Сенат Кенгаши ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг ва девонининг еттинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш бўйича ишини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Барча муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси 2016 йил 12 октябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

БОШ ВАЗИРНИНГ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ:

МУАММОЛАРГА ТЕЗДА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

Амир Темур куч-қудрат адолат, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда мужассам эканини англаб-англатиб яшаган. Соҳибқироннинг давлат муҳрида битилган "Куч – адолатда" ҳикмати ҳақиқатпарварлик ва ростлик инсон кучига куч қўшиши, ўз навбатида, кучли шахс ҳамиша ҳақгўй бўлишини англатади. Ислом Каримов ишлаб чиққан тараққиётнинг "ўзбек модели" – машҳур беш тамойилнинг бири ҳам айнан қонун устуворлиги эди. Биринчи Президентимиз бутун фаолияти давомида эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш, жамиятимизда қонун устуворлигини, тартиб-интизомни, адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш йўлида курашди.

Шу маънода яқинда Ўзбекистон ҳукумати порталида очилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасини (pm.gov.uz) ўзбек давлатчилик мактабига мансуб адолатпарварлик, ҳақиқатни таъминлаш борасидаги анъаналарнинг мантиқий давоми бўлди, дейиш мумкин. Бугун минглаб юртдошларимиз ҳал этилмаган масалалар, муаммолар, ариза, шикоят ёки таклифлар билан тўғридан-тўғри мамлакатимиз Бош вазирига мурожаат қилмоқда.

Бунда мурожаатни уч усулда – **210-00-00** ёки **10-00** қисқа рақамларига қўнғироқ қилиб (қўнғироқ мамлакатимиз бўйича бепул бўлиб, ундан фақат стационар телефонга қўнғироқ қилиш нархи бўйича ҳақ олинади), pm.gov.uz манзилидаги махсус мурожаат шаклини тўлдириб ёки Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ҳудудий ташкилотларига бориб юбориш мумкин. Сайт (pm.gov.uz) орқали онлайн мурожаат юбориш шакли ҳамма учун тушунарли ва содда тузилган. Сайтда мурожаат мақомини (жавоб берилган-берилмаганини) текшириш мумкин. Энг муҳими, онлайн мурожаатларда электрон рақамли имзо талаб қилинмайди.

Маълумотларга кўра, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига дастлабки куниёқ мамлакатимизнинг турли жойларидан мингга яқин ариза, шикоят ва таклифлар тушган бўлса, бугун мурожаатлар сони 20 мингдан ошиб кетди. Қувонарлиси, ҳозирга қадар юзлаб муаммолар тезда ўз ечимини топди.

(Давоми 2-бетда)

Хабар қилинганидек, жорий йилнинг 7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари, сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

САЙЛОВЧИЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ЯНАДА ОШИРИЛАДИ

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарган мажлисда сайловга тайёргарлик кўришга доир масалалар кўриб чиқилди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтган тадбирда жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари таклифлари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури лойиҳаси муҳокама қилинди.

Дастур истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун, сўнгги йилларда унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов масалаларини тартибга солувчи қарорлари мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида жамоатчилик хабардорлигини янада оширишни кўзда тутади.

Дастурда назарда тутилган тадбирлар аҳолининг кенг қатлами, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар, айниқса, биринчи маротаба овоз берувчи фуқаролар, нуронийлар, имконияти чекланган шахслар, ҳарбий хизматчилар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари вакиллари, шунингдек, хориждаги ҳамюртларимизни қамраб олади.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Партия вилоят кенгаши аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва партия фаоллари иштирок этган тадбирда жорий йилнинг 4 декабрь куни ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик, партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини йиғиш жараёни ҳамда навбатдаги қурултойга делегатлар сайлаш масаласи кўриб чиқилди.

• Фарғона вилояти халқ таълими муассасаларида куз-қиш мавсумига тайёгарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Таъкидлаш жоизки, жорий йилда Фарғона вилоятида 24 умумтаълим мактаби, 36 мактабгача таълим муассасаси Инвестиция дастури асосида капитал таъмирдан чиқарилди. Қишга тайёргарлик жараёнида айниқса, бинолар, муҳандислик-коммуникация тизимлари, иситиш тармоқларини таъмирлаш ва янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

• Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Камолот" ёшлар оромгоҳида "Кино ва ёшлар" II республика форуми бўлиб ўтди. Тадбирда миллий кино санъатини ривожлантириш, кадрлар малакасини ошириш, тажриба алмашишни кенг йўлга қўйиш, ёш ижодкорлар учун маҳорат сабоқлари ташкил этиш, зарур ўқув қўлланмалари ҳамда методик материаллар яратиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ЖАҲОНДА

• 2007 йилдан буён Атлантика океанида юз берган энг кучли "Меттью" довули Гаити ва Багам ороллари ҳудудидан ўтиб, АҚШнинг шарқий соҳилларигача етиб келди. Тўфон хуружи натижасида Шимолий Америкада 27 киши ҳалок бўлган, 2 миллиондан кўпроқ одам эвакуация қилинган, Флорида, Жоржия, Жанубий ва Шимолий Каролина штатларининг соҳилбўйи ҳудудларида фавқулодда вазият эълон қилинган. Гаитида эса довул оқибатида ҳалок бўлганлар сони минг кишига етган ва мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинган.

• Хитой Халқ Республикаси ҳукумати томонидан тахминан VII асрдан буён амалда бўлган тузнинг нархининг давлат томонидан назорат қилиниши тўғрисидаги қонундан воз кечиш ҳақида қарор қабул қилинди.

БОШ ВАЗИРНИНГ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ:

МУАММОЛАРГА ТЕЗДА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу йил март ойида урганчлик Зулфия Бекберганованинг 25 ёшли ўғли Хуррам Қурбоновнинг бош миясида қон қуйилиш ҳолати аниқланган. Шифокорлар уни хорижда даволатишни тавсия қилган. Муолажа учун 8 минг доллар зарур эди. З.Бекберганова ўтган вақт мобайнида миллий валютани хорижий валютага конвертация қилиш бўйича Хоразм вилоятидаги қатор банкларга мурожаат қилган. Бироқ иши ҳал бўлмаган. Зулфия опа сўнгги умид сифатида шу йил 26 сентябрда Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига ариза жўнатган.

– Порталга мурожаат қилганимдан кейин ойлар давомида мени ўйлатган муаммо икки кунда ҳал бўлди, – дейди З.Бекберганова. – Ўғлимни хорижда даволатиш учун халқаро тўлов картасига етарлича хориж валютасини олганимда, қувончдан йиғлаб юбордим. "Мана, биздай оддий фуқароларнинг ҳам дардини тинглайдиган, муаммоларини ҳал қилиб берадиган инсон бор экан-ку", дедим. Бу портал Ўзбекистонда демократиянинг мустаҳкам қарор топишида жуда катта ва муҳим қадамдир.

Яна бир мисол – Хоразм вилояти Хива туманида истиқомат қилувчи Роҳат Абдуллаева уйи бузилгач, 2014 йили янги коттежга кўчиб ўтади. Бузилган уй шартномада 139 миллион сўмга баҳоланади. Бироқ бу маблағдан 38 миллион сўмини ҳокимлик тўлаб бермайди.

– Шу йил 26 сентябрь куни Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига мурожаат қилдим, 28 сентябрда бузилган уйимдан қолган 38 миллион сўмни банкдаги омонат дафтарчамга ўтказиб беришди, – дейди Р.Абдуллаева. – Маҳалламиздаги янги коттежларга кўчиб ўтган 47 қўшнимда ҳам шу муаммо бор эди. Вилоят ва туман ҳокимлиги вакиллари уларга ҳам қарздорликни тўлаб бермоқда. Маҳалламизда байрам бўлиб кетди. Неча йиллик муаммоларимизни икки кунда ҳал қилиб берган учун Бош вазиримиздан миннатдормиз.

Ҳа, бугунги фуқаролар бундан ўн бешйигирма йил аввалги одамлар эмас. Мазкур виртуал қабулхонага мурожаатлар халқимизнинг давлат ҳокимиятига ва қонун устуворлигига ишончи ошиб бораётганидан далолат. Бу жамиятимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари самарали татбиқ этилаётгани, халқимизнинг улардан фойдаланиш маданияти юксалиб бораётганининг исботидир.

– Маҳалламизда электр энергиясини кунига ўртача 12 соат ўчиришар эди, бу муаммога ечим излаб, бир неча марта туман ҳокимлиги ва электр тармоқлари ташкилотига мурожаат қилдик, бироқ фойдаси бўлмади, – дейди Хоразм вилояти Гурлан тумани Сахтиён қишлоғида яшовчи Жўрабек Бобожонов. – Шу йил 25 сентябрда Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига электрон мурожаат юбордик, 29 сентябрда мутасаддилар қишлоғимизга келиб, вазиятни ўрганди ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш йўлга қўйилди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов доим "Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди", деб кўп таъкидлар эди. Маҳалламизда шу муаммонинг тез кунда бартараф бўлгани мисолида биз Бош вазиримиз Биринчи Президентимиз ғояларига нақадар содиқ эканига амин бўлдик.

Элликқалъалик Илҳомбек Йўлдошев Тошкент тиббиёт академиясининг травматология ва ортопедия йўналиши бўйича магистратурасида 2-курс талабаси. У бу йил шартномага пул топа олмаган. Шу боис Элликқалъа туманидаги барча банк филиалларига таълим кредити ажратишни сўраб, мурожаат қилган. Айтишича, бунинг учун зарур барча ҳужжатни тахлаб олиб борса-да, бирорта банк ходими уларни лоақал варақлаб ҳам кўрмаган.

– Бир куни ҳатто соат 7 дан 19 гача банкдан банкка қатнатиб сарсон қилишди: бирига борсам, бошқасига жўнатади, ахийри, саргардонликдан ҳаммасига қўл силтаб, Тошкентга қайтдим, – дейди И.Йўлдошев. – Энди ўқишни давом эттиришга кўзим етмасди. Шунда Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси жонимга оро кирди: мурожаатим уч кунда ҳал бўлди. Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазиримиз Шавкат Мирзиёев 5 октябрда Самарқанд вилояти фаоллари билан бўлган учрашувда виртуал қабулхонага келаётган ҳар бир мурожаат Бош вазирнинг назоратида бўлишини таъкидлади. Чиндан ҳам шундай: агар менинг арзим Бош вазиримизга етиб бормаганда, билмадим, яна қанча вақт сарсон юрардим ёки ўқишни ташлаб кетармидим...

Яшириб нима қилдик: қуйи бўғинлардаги эскича фикрлайдиган айрим раҳбару ходимларга арз қилиб икки-уч марта қатнаган одамга "ёзувчи", "аризабоз" тарзида қарайдиганлар ҳам бор. Албатта, ҳар қандай жамиятда бўлди-бўлмади ишга дарров шикоят ёзадиганлар топилади. Бироқ саноқли бундай кимсалар касрига қолган шахсларнинг ҳам шикоятларини эътиборсиз қолдириш – жамиятда муаммоларнинг илдиз отиб кетишига сабаб бўлиши аниқ-ку! Қолаверса, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг шартларидан бири – фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини мукаммал билиши, зарур ҳолда, уларни талаб қила олиш лаёқатига эга бўлиши лозим.

Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси халқимиз ҳуқуқий маданиятининг юксалиб бориш жараёнида самарали восита, ойдин кўзгу бўлмоқда.

Сирдарё вилояти Ховос тумани Гулбаҳор шаҳарчасида яшовчи Муслимбек Холиқбердиев бу йил Гулистон давлат университетининг ижтимоий-иқтисодий факультетига тўлов-контракт асосида ўқишга кирди. Бироқ ота-онаси шартнома пулини тўлаш имконини топа олмади. Шу боис унинг онаси Шоира Абдуғаффорова жорий йил 7 сентябрда "Агробанк"нинг Ховос тумани филиалига таълим кредити сўраб, мурожаат қилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги қарорига кўра, тижорат банклари қарз олувчининг ҳужжатларини 10 иш кунида кўриб чиқиб, ёзма хулоса бериши шарт. Бироқ Ш.Абдуғаффорова йигирма кунда ҳам аниқ жавоб ололмай, сарсон-саргардон бўлади. Вазият шу даражага етадики, 30 сентябргача шартнома пули тўланмаса, Муслимбек талабаликдан маҳрум бўлиши аниқ эди.

– Шартнома пулини тўлаш муддатига уч кун қолган, нима қилишни билмасдик, банк ходимларини судга берайлик, десак, суд бу ишни кўриб чиқишига бир ой керак – жуда бошимиз қотганди, – дейди Ш.Абдуғаффорова. – 27 сентябрь куни Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси ҳақида эшитдиму, дарҳол мурожаат қилдим. Қаранг, эртаси куни "Агробанк" ўғлимга таълим кредити ажратди. Ишим ҳал бўлди, лекин бир савол мени қийнайди: нега энди шунақа кичкина масала ҳам, албатта, Бош вазиримизга етиб боргандан кейин ҳал бўлиши керак? Қуйи бўғинлардаги раҳбару ходимларга ўз вазифасини қонун доирасида, вақтида, сифатли бажаришга нима халал беради?!

Дарҳақиқат, агар фуқаронинг муаммоси қуйи бўғинда ҳал бўлса, у юқори ташкилотларга мурожаат қилмайди. Чунки бугунги замон шиддатида ҳар дақиқа – ғанимат, катта бойлик. Шундай экан, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасидан ўрнак олиб, маҳаллий давлат ҳокимияти раҳбарлари фуқаролар мурожаатларини шахсан ўз назоратига олиши, уларнинг муаммоларини ҳал қилишда самарали тизимни йўлга қўйиш вақти аллақачон етиб келган. Ахир кимдир умид билан ҳокимнинг олдига борса-ю, қабулига кира олмаса, ҳафталаб-ойлаб ҳокимият эшигида сарғайса, шундан сўнг қўли бирор ишга борадими? Шундай вазиятдан кейин унинг қалбида табиий ниш ура бошлаган жамиятдан норозилик эртага газак отиб кетмаслигига ким кафолат беради?!

Сирдарё туманида истиқомат қилувчи Мирсаид Низомов Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига ўзи яшаётган ҳудудда 5-6 йилдан буён табиий газда мунтазам узилишлар бўлаётганини, айтиб, ушбу масалани ҳал этишда ёрдам сўраб мурожаат қилган. Сирдарё вилояти ҳокимлигидан маълум қилишларича, мурожаатни ўрганиш жараёнида газ қувурлари чиндан ҳам таъмирга муҳтож эканлиги аниқланган. Тез кунларда қувурлар таъмирланиб, табиий газ таъминоти тўлиқ йўлга қўйилади. Савол туғилади: ушбу туман мутасаддилари нега мазкур масалани ўз вақтида ўрганиб, тезда чора кўрмади? Ёки улар Бош вазирга мурожаатдан сўнггина бу ерда газ қувурлари чиндан таъмирталаб эканини билиб қолишдими?.. Ёки ушбу туманда яшовчи яна бир фуқаро Татьяна Кареванинг ўзи истиқомат қилаётган ҳудудда ичимлик суви муаммосини ҳал этишни сўраб қилган мурожаати ўрганилганда, бу ерда ичимлик суви таъминотини тўлиқ йўлга қўйиш учун 500 метр масофада қувур ётқизиш лозимлиги аниқланди. Айни пайтда бу борадаги лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, 2017 йилги Инвестиция дастури асосида қурилиш ишлари амалга оширилиши белгиланди.

Шу йил 26 сентябрда Хоразм вилояти Янгиариқ тумани Чиқирчи қишлоғидан Ҳурмат Матёқубов виртуал қабулхонага мурожаат қилиб, мазкур ҳудудда ичимлик суви йўқлиги, қудуқлар суви шўр бўлгани учун аҳоли 3 километр нарига бориб, ичиш учун сув келтираётганини айтади. 2009 йили бу муаммони бартараф этиш учун иш бошланган, бироқ чала қолганди.

– Мурожаатимиздан икки кун ўтиб, қишлоғимизда қурилиш ишлари бошланиб кетди, – дейди Ҳ.Матёқубов. – Ҳозир 2009 йили ётқизилган, аммо чириб улгурган қувурларни ҳам қазиб олиб, янгилашаяпти. Бутун қишлоқ аҳли неча йиллик муаммо ҳал бўлганидан ўзида йўқ хурсанд.

...Бундай мисоллар кўп. Эътиборлиси, ҳал бўлган ҳар бир мурожаат ортида ўнлаб, ҳатто юзлаб одамлар ҳаётидаги бир ўзгариш, янгиланиш мужассам. Бу фуқароларнинг давлат ҳокимиятига, жамиятга, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашда ниҳоятда муҳим омилдир. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида жамиятда адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш виждон поклиги ва бедорлигига боғлиқ эканини таъкидлаган: "Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди... Бундай ҳолатларни кўрганда виждони қийналади, доимо ёниб-куйиб яшайди, қандай қилиб бўлмасин, уларни бартараф этишга интилади...".

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси барчамизни Биринчи Президентимизнинг буюк даъвати – уйғоқ виждон билан яшашга-ишлашга ундаётгани билан аҳамиятлидир.

ЎзА

САЙЛОВЧИЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ЯНАДА ОШИРИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика байналмилал маданият маркази ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликда "Менинг овозим – Ватаним келажаги", "Мен шахсан ўзим овоз бераман", "Биз танлаш ҳуқуқига эгамиз", "Сайловчилар рўйхатида бормисиз?", "Ягона оилада" каби фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва электорал фаоллигини янада оширишга қаратилган акцияларни ўтказиш режалаштирилган.

Тарғибот тадбирлари давра суҳбати, семинар, учрашув, бевосита мулоқот, конференция, тренинг шаклларида, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилиш, турли рисола, флаер ва бошқа тарғибот материалларини тайёрлаш орқали амалга оширилади.

Мажлисда 7-Самарқанд, 9-Сурхондарё, 11-Фарғона округ сайлов комиссиялари раисларининг ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишларининг бориши ҳақидаги ахбороти эшитилди. Округ сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкалари тузилгани қайд этилди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ва хорижда 9 минг 376 сайлов участкаси тузилди. Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш ишлари бошланди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ПАРТИЯ САЙЛОВГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг XI конференцияси бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда халқаро демократик мезонларга тўла жавоб берадиган миллий сайлов тизими яратилиб, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи қонун билан кафолатлангани, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар сиёсий партияларнинг нуфузини мустаҳкамлаш, жамият ҳаётидаги фаол иштирокини янада оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг марказий кенгаши ижроия қўмитаси масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ҳамда навбатдаги қурултойга делегатлар сайлаш масаласи кўриб чиқилди.

Партия Тошкент шаҳар кенгашининг қарийб 2 минг бошланғич ташкилоти ўз атрофида 47 минг 858 нафар аъзони бирлаштирган. Улар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги вакиллик органлари орқали давлат бошқаруви ҳамда жамият ҳаёти, кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этмоқда. Партия электорати – тадбиркор ва фермерлар юртимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида ўзининг муносиб ўрнига эга.

– Партиямиз аъзолари пойтахтимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этмоқда, – дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Т.Назаров. – Бўлажак сайлов ва унга тайёргарлик даврида партия ғояларини сайловчилар орасида кенг тарғиб этиш, бу борада сайлов қонунчилигида белгиланган имкониятлардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётир.

Тадбирда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирокини таъминлаш юзасидан вазифалари муҳокама этилди. Партиянинг VIII съездига Тошкент шаҳар кенгашидан делегатлар сайланди.

ЎзА

ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯКУНЛАРИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2016 йил 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда амалга оширилган ишлар натижалари ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг 9 ойида Комплекс бўйича жами 4,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 127,6 фоизни ташкил этди. Аҳолига 2,9 триллион сўмлик (122,7 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди.

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 247,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 115,5 фоизга, экспорт прогнози кўрсаткичлари ҳам ортиғи билан бажарилишига эришилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурининг 9 ой давомидаги ижроси атрофлича муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, жойларда уюшмаган ёшларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини мунтазам ўрганиб борган ҳолда уларни фойдали меҳнатга жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Мажлисда маданият ва санъат соҳасини янада кенг ривожлантириш, бу масалани комплекс тарзда ҳал этиш, инсонларни, айниқса, ёшларни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, ёшлар онгига Ватанга муҳаббат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш, музейлар воситасида халқимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ва ҳозирги ҳаётини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини ёритиб берадиган асарлар яратишда ижод аҳлига, ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ёшларни театр ва музейларга кенгроқ жалб қилиш, навқирон авлод талабига жавоб берадиган асарлар яратиш, эстрада йўналишини тартибга солиш, бунда яратилаётган қўшиқларнинг бадиий-ғоявий савиясини ошириш, музейлар, театрлар ва кинотеатрларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, ёшларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўзаро мулоқотлари учун қулай, ишончли маълумотларга бой бўлган маҳаллий ижтимоий тармоқлар яратиш каби масалалар батафсил муҳокама қилинди.

Комплекс йиғилишида ахборот-коммуникация технологияларини изчил ривожлантириш, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифаларнинг бориши, ходимларнинг компьютер саводхонлиги бўйича билим даражасини ошириш натижалари каби масалалар таҳлил қилинди.

Интерактив давлат хизматларини кўрсатиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли учун бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, уларни ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан таҳлилий мақолаларни, кўрсатув ва эшиттиришларни босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, хорижий давлатларда кенг тарғиб қилиш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни янада кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2016 йил учун белгиланган устувор вазифалар ижросини тўла амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган немис миллатига мансуб фуқаролар масалалари бўйича Ўзбекистон – Германия ҳукуматлараро комиссиясининг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси С.Нишонбоев, Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Найтхарт Хёфер-Виссинг ва бошқалар Ўзбекистон билан Германия ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатлар қарор топгани, бу ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳити ривож топди. Ўзбекистонда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳат яшаб, турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда. Тили, урф-одат ва анъаналарини сақлаб, маданиятини ривожлантирмоқда.

Мамлакатимизда "Видергебурт" немис маданият маркази фаолият юритмоқда. "Ўзбекистон – Германия" ва "Германия – Ўзбекистон" дўстлик жамиятлари халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Германияда Ўзбекистон, Ўзбекистонда Германия ҳақида кўрсатув ва кўргазмалар намойиш этилмоқда, биргаликда маданий тадбирлар, концертлар ўтказилмоқда. Мунтазам ташриф алмашувлар туфайли халқларимиз бир-бири билан яқиндан танишмоқда, ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамламоқда. Ўзбекистон Қизил ярим ой, Германия Қизил хоч, Германия техникавий ҳамкорлик жамиятлари ҳамкорлигининг амалий ифодаси бўлган тиббий-ижтимоий марказлар томонидан аҳолига сифатли тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда.

– Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик қарор топган, миллий маданий марказлар фаолияти самарали йўлга қўйилган, – деди Германия Федератив Республикаси Федерал ҳукуматининг кўчиб ўтганлар ва кам сонли миллатлар масалалари бўйича вакили, ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси Хартмурт Кошик. – Ўзбекистонда барча миллат ва элатлар қатори немис миллатига мансуб фуқароларнинг ҳам эмин-эркин яшаши, таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз ижодий қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча имкониятлар яратилгани бизни жуда қувонтиради. Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳалар қатори фан-таълим ва маданий-гуманитар йўналишларда ҳам янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Тадбирда Ўзбекистонда истиқомат қилувчи немис миллатига мансуб аҳолини тиббий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ўзаро маданий, маърифий ва техник ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Мажлис якунлари бўйича қўшма коммюнике имзоланди.

А.САМАДОВ

Болалар спорти

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур



БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Футболни бежизга миллионлар ўйини деб аташмайди. Ушбу спорт турига қизиқиш ёшлар орасида кўпчиликни ташкил қилиши бежиз эмас.

Чунки футбол ёшу қарини ўзининг сеҳрли жозибаси билан ром этган. Мамлакатимизда ёшлар орасида футболга қизиқишни янада кучайтириш борасида амалга оширилган ва айни кунларда ҳам давом этаётган ислоҳотларнинг аҳамиятига ортиқча изоҳ беришга ҳожат йўқ. Ҳозирги кунда пойтахтимизнинг таълим масканларида, коллеж, лицей, олий ўқув юртларида замонавий футбол майдонларининг болалар ва ёшлар ихтиёрида эканлиги қалбларни тўлқинлантиради.

Мамлакатимиз чемпионатининг олий лигасида пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган "Бунёдкор" клуби мураббийлари эътиборни болалар футболини ривожлантиришга қаратаётганликлари аллақачон самара бера бошлади. Энг аввало, "Бунёдкор" клуби қошида болалар орасида футболни оммалаштириш мақсадида академия ташкил этилди. Ушбу академия қошида 2007 йилдан футбол мактаби фаолият бошлади. Ушбу мактабда футбол сир-асрорларини ёшларимиз мукаммал ўрганишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Мактабда қурилган 3 та сунъий қопламали стадионга чим ётқизилган. Барча қулайликларга эга ёпиқ стадион ҳам болалар хизматида. Дарвоқе, мактабга футболни ўрганиш иштиёқида бўлган болажонлар олти ёшдан қабул қилинади. Малакали мутахассислардан чарм тўп сирларини тўрт йил давомида ўрганган болаларнинг энг иқтидорлилари 10 ёшидан академияда ўқишни давом эттиради. "Бунёдкор" клуби академияси қошидаги мактабда болажонларга бошқа фанлар ҳам мукаммал ўргатилади. Мактаб синфхоналари замонавий педагогик жиҳозлар, компьютерлар билан жиҳозланганлиги кишини қувонтиради. "Бунёдкор" академиясида футбол сирларини ўрганган ёшларнинг энг иқтидорлилари ҳозирда турли ёш тоифаларидаги терма жамоаларда ҳамда миллий терма жамоада муваффақият билан тўп суриб, мухлисларнинг ҳурматига сазовор бўлиб улгурдилар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, қаерда спортга жиддий эътибор қаратилса, ёшларнинг футбол сирларини мукаммал ўрганишлари таъминланса, ўша ерда юксалиш, ўсиш бўлади, ислоҳотлар самара беради. Ниятимиз, "Бунёдкор" академияси сингари бошқа клублар ҳам футболни янада ривожлантиришга кўпроқ ҳисса қўшишса, нур устига аъло нур бўларди.

(Ўз мухбиримиз)

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежида "Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалалари" мавзусидаги семинар-тренинг Тошкент Молия институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежи директори П.Юлдашев тадбирни кириш сўзи билан очиб берар экан, мамлакатимизда ёш авлодга таълим-тарбия бериш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самаралари, ўқувчиларни ўзларини қизиқтирган касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда олий ўқув юртлари ҳамкорлигида турли мавзудаги тадбирларнинг мунтазам равишда ўтказилиб борилиши ёшлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди.

Тошкент молия институти ўқитувчилари Б.Ибрагимходжаев, А.Мухаметов, Ф.Каримов, Ғ.Шерматов "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури юзасидан олиб борилаётган ислоҳотлар негизида аҳолининг, айниқса она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш ва турли касалликларнинг олдини олиш каби долзарб масалалар ётганлиги хусусида фикр билдирди.

Тадбир доирасида бугунги кунда ёш авлод, хусусан, оналар ва болалар соғлигига берилаётган эътибор аниқ мисоллар асосида баён этилди.

Бахтиёр ҲАЙИТОВ

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Жамиятда шундай инсонлар борки, ўзига юклатилган вазифани бажармай бошқа ишларга аралашиши оқибатида ҳаётда панд еб қолади. Пойтахтимиздаги тиббиёт коллежларидан бирида жисмоний тарбия раҳбари бўлиб ишлаб юрган Аброрхўжа Султонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ваколатига кирмаган ишга қўл ургани учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келди.

Баҳор ойларининг бирида коллежда навбатчилик қилиб ўтирган вақтида қашқадарёлик Сайёра Эшмуродова унинг олдига келиб, жиянини шу коллежга ўқишга киритмоқчилигини, ёрдам беришини, эвазига 1000 АҚШ доллари беришини таклиф қилади.

Пулнинг чўғини эшитиб, Аброрхўжа суюниб кетди, "бўлди, ҳал қиламиз" дея С. Эшмуродова билан хайрлашди.

Орадан икки кун ўтиб, 2016 йилнинг 24 март куни тушдан сўнг, Сайёра Эшмуродова коллежга келиб, Аброрхўжани чақиртириб, пулни олиб келганлигини айтади.

Аброрхўжа "мижоз" билан қуюқ сўрашиб, уни ўқитувчилар хонасига бошлаб борди, пулни стол тортмасидаги журнал ичига солишини айтиб, ушбу пулларни олаётган вақти Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ Департаменти Чилонзор тумани бўлими ходимлари томонидан ушланди.

Ушбу ҳолат жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани судида кўриб чиқилди. Судланувчи А. Султонов Жиноят кодексининг 25, 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилиб, иш ҳақининг 10 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Ботир МИРҲАМИДОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ Департаменти Чилонзор тумани бўлими бошлиғи

Жамғармалар фаолиятидан

ЭЗГУ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ҳамда спортга кенг жалб этиш, бунинг учун энг аввало моддий-техник базани мустаҳкамлаш зарурлигини англаб етган болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали мутасаддилари ва туманлардаги вакиллар ҳамкорлигида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни кунларда шаҳримиздаги ҳар бир мактаб, коллеж, лицей, ҳатто мактабгача таълим муассасаларида спорт заллари, стадионлар замонавий кўринишда бунёд этилди, реконструкция қилинди, спорт жиҳозлари билан таъминланди.

Пойтахтимизнинг Миробод туманида ҳам бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Туманда 16 та мактаб, 7 та касб-ҳунар коллежлари, 5 та академик лицей, 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 1 та ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби мавжуд бўлиб, бу таълим масканларида ёшларнинг жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун барча қулайликлар муҳайё қилинган. Туманимиздаги барча таълим масканларида 94 нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари ёшларга спортнинг турли хил йўналишлари бўйича сабоқ бериб келишмоқда. Туманда жами 33736 нафар ўқувчи таҳсил олаётган бўлса, шуларнинг 15789 нафарини қизлар ташкил этади. Тумандаги таълим масканларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг 3272 нафари спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Жисмоний соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланувчилар 9469 нафарни ташкил этмоқда.

Жорий йилда ҳар бир байрам муносабати билан, хусусан, Янги йил, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз, Оила куни, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, мамлакатимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги айёмларига бағишлаб, спортнинг бир қатор турлари бўйича мусобақалар уюштирилди. Ушбу турнирларга кенг кўламда қиз болалар жалб этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 декабрдаги қарорига асосан Миробод туманидаги 44, 29-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари бирлашиб, улар негизида 1-сонли БЎСМ, шунингдек, 6, 12-сонли Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар Олимпия заҳиралари спорт мактаблари бирлаштирилиб, 2-сонли БЎСМ ташкил этилди.

Дарвоқе, туманда бошқа ташкилотларга қарашли "Камолот, спорт, саломатлик", "Локомотив" спорт мажмуалари мавжуд бўлиб, бу масканларда ҳам бадиий гимнастика, у-шу, футбол, бокс, теннис тўгараклари болажонларга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари туманимизда фаолият юритаётган Республика болалар ва ўсмирлар Олимпия заҳиралари спорт мактабида 800 нафар ёшлар бадиий гимнастика, бадминтон, баскетбол, шахмат, велоспорт, дзюдо, енгил атлетика, армрестлинг, теннис, гандбол, таэквондо WTF, юнон-рум кураши, эркин кураш, кураш, қиличбозлик сирларини ўзлаштиришмоқда.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ўтказилган "Очиқ эшиклар куни" тадбирларида аёллар, қизлар ҳамда оилавий жамоалар ўртасида мусобақалар ўтказилди.

Аммо, айни кунларда Миробод компьютерлаштириш ҳамда Миробод енгил саноат касб-ҳунар коллежларида спорт майдончаси мавжуд эмаслигини ҳам таъкидлаш зарур. Насиб этса Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ва бошқа ҳомий ташкилотлар кўмагида бу муаммолар ҳам ҳал этилади.

Мақсадимиз фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшиш экан бу савобли эзгу юмушда жамғармамиз саъй-ҳаракатларни оғишмай давом эттираверади.

Баҳодир БАҲРОМОВ,
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали Миробод туман вакили

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Келажагимиз эса маънан етук, жисмонан бақувват, баркамол ёшлар қўлида. Шу боис ҳам фарзандларимизнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишларига имкон яратиш Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари зиммасида.

Спорт мажмуаларида

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

Фарзандларимизнинг ақлли, зукко, доно, маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб улғайишлари йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганлиги кишини қувонтиради.

Буни Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида уюштирилган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари томонидан қўлга киритилган ютуқлар яққол исботлаб турибди. Негаки, XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида терма жамоамиз ҳисобига 4 та олтин, 2 та кумуш ва 7 та бронза медални тақдим этган спортчиларимизнинг деярли барчаси Истиқлол фарзандлари. Бир сўз билан айтганда бу ёшлар юртимизда бунёд этилган спорт мажмуаларида малакали мураббийлар қўл остида тарбия топганлар.

Шунинг учун ҳам барала айтиш мумкинки, ёшларнинг бу ютуқларида 2002 йилдан буён олиб бораётган Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг барча шаҳар, вилоят, туманлардаги бўлимлари ҳомийлигида замонавий асосда жаҳон андозаларига мос келадиган қилиб бунёд этилган, реконструкция қилинган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг аҳамияти беқиёс.

Шайхонтоҳур туманидаги 1-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби Белтепа мавзесида жойлашган. Замонавий асосда бунёд этилган спорт мажмуасида ёпиқ турдаги спорт зали ва майдончалари, ёпиқ турдаги сузиш ҳавзаси, футбол стадиони, волейбол, баскетбол майдончалари мавжуд. Унда дзюдо, самбо, эркин кураш, белбоғли кураш, футбол, шахмат, қиличбозлик, таэквондо, сузиш, сув полоси, "Турон", Шарқ яккакурашлари спорт турлари билан 302 нафар болалар мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Ўқувчиларнинг спорт сирларини қунт билан ўзлаштиришларига 15 нафар малакали мураббийлар ёрдам беришмоқда.

Албатта бўлғуси ёш спортчиларнинг маҳорати ошишида турли хил мусобақа ва турнирларнинг аҳамияти катта. Шу боис ҳам спорт масканимизда тез-тез турли хил спорт турлари бўйича мусобақалар, турнирлар ўтказиб келинади. Ушбу мусобақаларда маҳоратини намойиш этиб, ғолиб ва совриндор бўлган ёшлар туман, шаҳар, республика миқёсидаги турнирларда қатнашиш имкониятига эга бўлишади. Ҳар доим ҳар бир байрам муносабати билан спорт мажмуамизда турли хил спорт мусобақаларининг мунтазам уюштириб келинаётганлиги, ёш спортчиларнинг ўйин амалиётига кўпроқ эга бўлишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, ўйин амалиётига эга бўлмай туриб маҳаллий ва халқаро турнирларда зафар қучиб бўлмайди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, энг аввало профессионал спортчи бўлиш учун ёшлар бошқа фанларни ҳам аъло баҳоларга ўзлаштиришлари зарур. Шу боис ҳам спорт мактабидаги ҳар бир мураббий ўз шогирдининг таълим муассасасида қандай таҳсил олаётганлигини мунтазам кузатиб боради. Дарвоқе, спорт масканимизда ўқувчиларнинг яхши ва аъло баҳоларга ўқишлари учун замонавий кутубхона ҳам мавжуд, барча синф хоналари ёруғ ва талаб даражасида қурилган.

Истиқлол фарзандлари бўлмиш ёшларимиз профессионал спортда улкан муваффақиятларга эришиш учун тинмай изланишар экан, биз мураббийлар уларнинг зукко, доно, билимли ҳамда ҳар томонлама етук инсон бўлиб етишларида қўлимиздан келган хизматни аямаймиз.

Ш.ЗИЯМАТОВ,
Шайхонтоҳур туманидаги 1-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Ёш чемпионлар

МАҚСАДИМ – ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ БЎЛИШ

Инсоннинг жисмонан бақувват, соғлом, маънан етук ҳамда баркамол шахс бўлиб улғайишида жисмоний тарбия ва спортнинг роли беқиёс.

Буни бугунги лавҳамиз қаҳрамони Хонзода Тошхўжаева мисолида яққол кўриш мумкин. Эндигина 16 ёшни қаршилаётган бўлишига қарамай Хонзода спортнинг синхрон сузиш тури бўйича уюштирилган маҳаллий ва халқаро мусобақаларда улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Хонзода 7 ёшида отаси Беҳзод Тошхўжаевнинг тавсияси билан Олмазор туманида жойлашган сув спортига ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига борди. Мактабда синхрон сузиш билан шуғулланаётган тенгдошларини кўриб Хонзодада ушбу спорт турига қизиқиш уйғонди ва шу кундан бошлаб ёш қизча тажрибали мураббий Алина Пиантковская кўмагида синхрон сузиш сирларини қунт билан ўргана бошлади. 8 ёшида Хонзода Тошкент шаҳар чемпионатида қатнашиб, 1-ўринни қўлга киритган бўлса, орадан 1 йил ўтиб республика чемпиони бўлди.

– Шогирдим Хонзода ҳар бир машғулотни чин юракдан бажаришга ҳаракат қилади. У жуда меҳнаткаш. Агар берилган топшириқни уддалай олмаса, ўз устида тинимсиз изланади ва мураббий топшириғини маромига етказишга ҳаракат қилади, – дейди Хонзоданинг устози Алина Пиантковская. – Шу боисми, Хонзода халқаро мусобақаларда ҳам фақат совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Агар Хонзода изланишдан тўхтамаса, албатта профессионал спортчи бўлиб етишади, халқаро мусобақаларда бундан-да улкан ютуқларга эришади.

Дарҳақиқат, Хонзода 10 ёшида Малайзияда синхрон сузиш бўйича уюштирилган қитъа чемпионатида муваффақият қозониб фахрли 2-ўринни қўлга киритди. Шундан кейин Исроил, Сингапур, Туркия каби мамлакатларда ташкил этилган халқаро турнирларда олтин, кумуш медаллари билан тақдирланган Хонзода юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Сўнгги марта Беларуссияда ўтказилган халқаро турнирда қатнашган Хонзоданинг маҳоратига мутахассислару мураббийлар юқори баҳо беришгани бежиз эмас. Чунки Осиё ва европалик кўплаб ёш синхрон сузувчилар иштирок этган халқаро турнирда Хонзодага кумуш медаль насиб этди.

Ҳозирги кунда Хонзода Тошхўжаева Юнусобод дизайн касб-ҳунар коллежи ўқувчиси.

– Мақсадим халқаро турнирларда шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллаш, – дейди Хонзода биз билан суҳбатда. – Келажагимни спортсиз тасаввур эта олмайман. Шу боис, синхрон сузиш сирларини янада қунт билан ўрганиб, жаҳон чемпионатида ҳам фақат совринли ўрин эгаси бўлмоқчиман.

Дарвоқе, Хонзода Тошхўжаеванинг муваффақиятларидан руҳланган синглиси Зиёда ҳам 11 ёш бўлишига қарамай синхрон сузиш билан шуғулланмоқда. Ҳозирда Зиёда ҳам ўз ёш тоифасида республика чемпиони ҳисобланади. Укаси Босит эса сувга сакраш спорт турига меҳр қўйган.

Хулоса қилиб айтганда ўз олдига юксак марраларни забт этишни мақсад қилган Хонзода, Зиёда, Босит сингари ёшларни кўриб қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади. Ниятимиз келажагимиз ворислари бўлган бундай ёшларнинг сафи кенгаяверсин.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежи томонидан маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига танлов эълон қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Аския кўчаси, 27-уй. **Тел:** 255-42-59.

"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Яккасарой туман СИБ томонидан ФИБ Яккасарой туманлараро судининг 10.06.2015 йилдаги 1-1729/15-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тузель-2 мавзеси, 13-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 84,01 кв.м. бўлган, 4 та яшаш хоналаридан иборат бўлган 58-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 122 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2016 йил 15 ноябрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 11 ноябрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АИТБ "Ipak yo`li" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000000433601001, МФО: 01036. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 1-уй. Телефон: (99895)193-01-11. www. emulk.uz,bestrealtor@inbox.uz.

Лицензия RR-0225.

Спорт янгиликлари



КЕТМА-КЕТ ҒАЛАБАНИ НИШОНЛАДИ

Қозоғистондаги "Фьючерс" турнирининг яккалик баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Санжар Файзиев кетма-кет иккинчи ғалабасини нишонлади.

Иккинчи даврада россиялик Андрей Левин билан куч синашган Санжар рақибини қарийб бир ярим соат давомида таслим қилди. Ўзбекистонлик теннисчи шиддатли ўйин эвазига рақибидан 6:3, 6:1 ҳисобида устун келди.

Мусобақанинг жуфтлик беллашувларида Шаробиддин Абзалов ва Сергей Фомин ярим финалга чиқди. Ҳамюртларимиз кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган чорак финал ўйинида россиялик Павел Котов ва Кристиан Лозан дуэтини 6:1, 5:7, 10:8 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Пойтахтимизда ФИФА ташаббуси билан футбол ҳакамлари учун ўқув-курслари ташкил этилди.

ҲАКАМЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Ҳакамларнинг малакасини ошириш мақсадида уюштирилган ушбу тадбирга ФИФА инструкторлари Саудия Арабистонидан — Али ал Тарйфи ҳамда Малайзиядан — Холидий Суфиён раҳбарлик қилишди.

Ушбу ўқув курсларида ҳакамларнинг руҳий ҳолати, учрашувлар пайтида юзага келадиган турли баҳсли вазиятлар муҳокамалари таҳлил қилинди. Шунингдек, ўйиндан ташқари ҳолат, жарима майдони ичидаги қоидабузарликлар, тўқнашувлардан сўнг қабул қилинадиган қарорлар, тўпни қўл билан ўйнаш каби ҳолатлар бўйича махсус семинар ташкил этилиб, унда ҳакамларнинг мулоҳазалари муҳокама қилинди.

АКАДЕМИЯГА ҚАБУЛ БОШЛАНДИ

Миллионлар ўйини — футболнинг болалар ва ўсмирлар ўртасида янада оммалашишида "Пахтакор" футбол клуби Академиясининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

Буни кейинги йилларда ушбу Академияда футбол сирларини ўрганган ёш чарм тўп усталарининг Ўзбекистон ўсмирлар, ёшлар терма жамоаларига жалб этилаётганлиги ва бу футболчилар терма жамоалар сафида ажойиб ўйинлар кўрсатиб, мухлислар ишончини оқлаётганликларини ҳам яққол исботлаб турибди.

Яқинда "Пахтакор" клуби Академиясига 2010 йилда таваллуд топган олти ёшли болажонларни қабул қилиш жараёни бошланди. Академияга қабул қилинган болажонлар Дониёр Нортожиев мураббийлигидаги жамоада футбол ўйнашни ўрганишади. Бу ерда футбол сир-асрорларини мукаммал эгаллашлари учун болажонларга барча шароитлар яратилган.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

ВЕЛОТРЕКЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Наманганда велоспортнинг трек йўналиши бўйича давом этган Ўзбекистон чемпионатига якун ясалди ва ғолиблар номи маълум бўлди.

4 кун давом этган трек пойгаларида барча вилоятлардан келган 1998-1999 йилларда туғилган ўсмирлар ва 2002 ҳамда 2003 йилларда таваллуд топган болалар ва қизлар турли йўналишлар шартлари бўйича ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Мусобақа дастурига кўра, иштирокчилар жамоавий спринт, жамоавий пойга, "Скретч" таснифидаги гуруҳлараро пойгалар, якка тартибдаги таъқиб пойгалари, "Кейрин" таснифига кирувчи, очколар ҳисобида қайд этиладиган гуруҳ пойгалари, "Медисон" йўналишидаги гуруҳ пойгалари ҳамда якка тартибдаги баҳсларда ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Муросасиз ва қизиқарли кечган мусобақалар якуний натижасига кўра қатор йўналишларда ўз ёш гуруҳлари ичида Фазлиддин Озодбеков, Никита Стенковой, Данил Евдокимов, қизлардан Рената Байметова, Нафосат Козиева энг юқори поғоналарни банд этдилар. Улар қаторида жуфтлик ва жамоавий пойгаларда Марат Суляев, Никита Чернов, Семён Себастянов, Ботир Исматов, Акбар Нуриддинов, Жавохир Эгамбердиев, Тимур Шукуров, Его Привалов ҳамда Азиз Машарипов, қизлар орасида Диана Адельшина ҳам етакчилар сафидан жой олдилар.

Ботир ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 1 ноябрь куни соат 12.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари тақроран қўйилмоқда: 1. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.07.2015 йилдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан Суд ижро Департаменти томонидан хатланган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин Водий кўчаси, Тошкент "ОРМЗ" автомобилларни сақлаш тураргоҳида сақланаётган қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 1. Бошланғич баҳоси 290 389 582 сўм бўлган 2007 йилда и/ч, д/р Т ЕА 462/77, "Mersedes-Benz S500" р-ли ав-на; 2. Бошланғич баҳоси 56 944 775 сўм бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 01/398ZAA, "ГАЗ-2752-414" р-ли юк-йўловчи ташувчи авна; 3. Бошланғич баҳоси 59 656 431 сўм бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 01/397ZAA, "ГАЗ-2217-404" р-ли юк-йўловчи ташувчи авна; 4. Бошланғич баҳоси 38 338 832 сўм бўлган 2013 йилда и/ч, д/р 01/417QCA, "NEXIA DONC-2" р-ли ав-на; 2. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 02.09.2011 йилдаги 10-1117/9934-сонли ижро варақасига асосан Юнусобод туман СИБ томонидан хатланган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 77-уйда сақланаётган бошланғич баҳоси 42 858 000 сўм бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 01/151DCA, "Ласетти" р-ли ав-на. Савдолар Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 12.00да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "*Infin*BANK"даги, МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (95) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148

"Auto Gold Grant" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2016 йил 27 октябрь куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган тақроран аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган: "SPACE ARSENAL SERVICE" МЧЖда, Тошкент ш, Яккасарой т, Олтин водий кўчаси, 29-уйда сақланаётган 9.11.2015 йилдаги 27674/6-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1. Daewoo Espero русумли, оқ рангли, 1996 йилда и/ч, т/н, д/б 01W072AA бўлган б/б – 23 760 000 сўм. 2. Нексия русумли, кумушсимон кулранги, 2009 йилда и/ч, т/н, д/б 20 О 970 ВА бўлган б/б – 24 904 250 сўм. 3. Тико русумли, оқ рангли, 2002 йилда и/ч, т/н, д/б 10 332 SAA бўлган б/б –15 213 944 сўм. 4.15.04.2016 йилдаги 12089/11-сонли ижро ҳужжати Матиз русумли, оқ рангли, 2010 йилда и/ч, т/н, д/б 01 О 681 GA бўлган б/б –20 433 018 сўм. 5. 23.07.2015 йилдаги 19124/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2101 русумли, қизил рангли, 1975 йилда и/ч, т/н, д/б 01 F 236 QA бўлган б/б -2 159 407 сўм. 6.4.12.2015 йилдаги 37127/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2103 русумли, оқ рангли, 1976 йилда и/ч, т/н, д/б 10 Н 941 НА бўлган б/б –5 593 758 сўм. 7. 4.15.04.2016 йилдаги 27669/6-сонли ижро ҳужжати Матиз-Бест русумли, кулранги, 2007 йилда и/ч,т/н, д/б 10 V 686 GA бўлган б/б - 17 077 506 сўм. 8. 15.04.2016 йилдаги 16190/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-21011 русумли, оқ рангли, 1975 йилда и/ч, т/н, д/б 01U894PA бўлган б/б -2 100 588 сўм. 9. 15.04.2016 йилдаги 16187/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2106 русумли, оқ рангли, 1998 йилда и/ч, т/н, д/б 50 Т 514 GA бўлган б/б –7 780 214 сўм. 10. 15.04.2016 йилдаги 19123\6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-21061 русумли, бақлажон рангли, 1990 йилда и/ч, т/н, д/б 01 R 897 JA бўлган б/б –6 508 825 сўм.11. 15.04.2016 йилдаги 16020\6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2102 русумли, қаймоқ рангли,1974 йилда и/ч, т/н, д/б 01 L 769 РА бўлган б/б – 5 580 403 сўм. 12. 15.04.2016 йилдаги 19120/6-сонли ижро ҳужжати ТИКО русумли, кўк металлик рангли, 1994 йилда и/ч, т/н, д/б 10 U 114 АА бўлган б/б –10 856 342 сўм. 13. 15.04.2016 йилдаги 27664/6-сонли ижро ҳужжати Матиз русумли, оқ рангли, 2012 йилда и/ч, т/н, д/б 01 Т 059 NA бўлган б/б – 20 816 192 сўм. 14. 15.04.2016 йилдаги 19343/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2103 русумли, оч кулранги, 1976 йилда и/ч, т/н, д/б 01В 760 RA бўлган б/б –5 728 500 сўм. 15. 15.04.2016 йилдаги 27654/6-сонли ижро ҳужжати МАЗ-5432 русумли, яшил рангли, 1983 йилда и/ч, т/н, д/б 10В 946 АА бўлган юк автотранспорт воситаси б/б – 63 672 962 сўм.16. 15.04.2016 йилдаги 9247/19-сонли ижро ҳужжати МАТИЗ русумли, кумушсимон хамелеон рангли, 2008 йилда и/ч, т/н, д/б 01 D 638 КА бўлган б/б – 19 558 776 сўм. "Зафар-И" божхона омборида сақланаётган. 18.04.2016 йилдаги 12142/11-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-21053 русумли, кўк рангли, 1996 йилда и/ч, т/н, д/б NA 33 RUS 8465 бўлган б/б — 4 973 000 сўм.

Аризаларни қабул қилиш 2016 йил 27 октябрда ўтказиладиган аукцион савдоси учун 2016 йил 25 октябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача (соат 13.00-14.00гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади. Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган "закалат тўғрисидаги келишув"га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Auto Gold Grant" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банк" Миробод филиалидаги 2020 8000 8004 2284 9004 ҳисоб рақамига МФО: 01101, ИНН: 303136943 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

Гувоҳнома №05791

Чилонзор туман ҳокимлиги томонидан уюштирилган "Ёшлар ва қариндошлар ўртасидаги эрта никоҳнинг олдини олиш ва оилада ота-онанинг ўрни" мавзуидаги тадбир туман ФҲДЁ бўлимида бўлиб ўтди.

ОИЛАДА ОТА-ОНАНИНГ ЎРНИ

"Наврўз" никоҳ уйи бўлими раҳбари Б.Рўзиева, Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Абдураҳимова ва бошқалар ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига буюк аждодларимиз ўгитларини сингдириш, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни, эрта никоҳ, унинг олдини олиш, оила мустаҳкамлиги, оналик ва болалик бахти, аёллик саодати хусусида мулоҳазали, мушоҳадали фикрларни ўртага ташлади.

Тадбирда ўқув муассасаларида таълим олаётган ҳар бир қиз боланинг алоҳида назоратга олиниши, уларни вояга етмасдан турмушга чиқишига йўл қўймаслик, тиббий маданият ва билимини ошириш, миллий анъаналаримизга содиқ фарзандлар қилиб тарбиялаш борасида сўз юритилди.

Жумладан, "Никоҳнинг муқаддас динимизда ман қилинган жиҳатлари", "Никоҳ шартномасининг асосий мазмун ва мушоҳадаси, келин-куёвнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари", "Қизларнинг турмуш, ҳаётга мослашуви", "Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш", "Оилада оилавий муносабатларни яхшилаш ва мустаҳкамлаш" мавзуларида ҳам маърузалар қилинди.

– Эрта турмушнинг олдини олиш, унинг салбий оқибатлари хусусида жуда кўплаб тадбирларни ҳамкорлик асосида ўтказиб келмоқдамиз, – дейди Чилонзор фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими раҳбари Сабоҳат Эшмонова. – Шу билан бирга оилани мустаҳкамлаш, оилавий низолар ва ажримларнинг олдини олиш мақсадида ФҲДЁ бўлими қошида "Ёш оила қурувчилар" мактаби фаолият юритиб келмоқда. Ушбу мактаб машғулотларига никоҳга кириш ҳақида ариза билан мурожаат этган никоҳланувчи ёшларнинг барчаси жалб этилмоқда. Мактаб машғулотларида никоҳ тузиш тартиби, шартлари, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, никоҳ шартномаси ва бошқа мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилади. Энг асосийси келажагимиз эртаси бўлмиш қизларнинг тафаккурини теранлаштириш, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари хусусида тўлиқ маълумотлар берилади.

Тадбирга тумандаги 30 та маҳалладан ота-оналар, ёш келин ва куёвлар ҳамда қизлар таклиф этилди.

Ҳа, қизлар жамиятимизнинг фаол аъзоси, бўлажак фариштали, сариштали уй бекалари, туғилажак фарзандларнинг меҳрибон онаси ҳисобланади, уларнинг онгу шуурини гўзал ғоялар билан тўлдириш, турмушга тайёрлаш, ҳаёт синовларига бардошли қилиб тарбиялаш, энг асосийси миллий урф-одатларимизга эҳтиром руҳида вояга етказиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

"101"

"ТИЛСИЗ ЁВ"ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Куз ва қиш фаслларида об-ҳавонинг ўзгариб туриши, атроф-муҳитга кўрсатилаётган салбий оқибатлари натижасида экологик вазиятнинг ифлосланиши, ҳавони тозалаб берувчи муҳим омилларнинг камайиши инсонлар кайфиятига таъсирини ўтказиб, турли хил нафас бўғилиши, аллергик касалликлар кўпайиши кузатилади.

Куз фаслида аҳоли томонидан қишга тайёргарлик кўриш учун ортиқча, кераксиз маиший буюмларни чиқариш, ҳовли-жойларни тозалаш, хонадон, кўча ва маҳаллаларда ободончилик ишлари ўтказилиши билан боғлиқ шох-шабба, хазонлар, маиший чиқиндиларнинг тўпланиши кўп ҳолларда уларни ёқиб юбориш ҳолатлари содир бўлади. Натижада таркибида ҳаракатланувчи транспорт воситалари, хавфли технологик жараёнлардан турли хил заҳарли моддаларни сингдириб олган хасхашаклар, плёнка қолдиқлари, баклашкалар хўжалик эҳтиёжига яроқсиз бўлган буюмларнинг ёнишидан жуда кўплаб канцероген заҳарли чиқиндилар атроф-муҳитга тарқалади. Статистик маълумотларга қараганда бундай ҳаводан нафас олиш туфайли 20 хилдан ортиқ касалликлар тарқалишига сабаб бўлар экан. Улардан энг хавфлиси: саратон, нафас бўғилиши (астма), аллергик касалликлар инсон генофонига салбий таъсир кўрсатувчи балойи офатларни таъкидлаб ўтиш лозим.

Бундан ташқари ўт-олов билан эҳтиётсизлик қилиш туфайли уй-жойлар, бинолар, атрофимизни ўраб турган ва турли хил эҳтиёжимизни қондириб турган коммуникация тармоқларига алангa туташиб, уларнинг ёниб кетиши кузатилмоқда. Қанчадан-қанча фалокат, офатлар келиб чиқишини кўриб, эшитиб турсак ҳамда бундай мудҳиш ҳолатдан ибрат олмаслигимиз, охир-оқибат инсонияткa кўплаб ҳам моддий, ҳам маънавий ва энг даҳшатлиси инсонларнинг умрига зомин бўлмоқда.

Т.МАДУМАРОВ,
24-ҲЁХҚ смена бошлиғи, майор

ГАЗ ҚУРИЛМАЛАРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

Одатда кўп ёнғинлар фуқаролар лоқайдлиги натижасида содир бўлади. Ювилган кийим-кечакларни тезроқ қуритиш мақсадида газ плиталар устига осиб, газни ёқиб қўйишади. Бунинг натижасида ўчирилмаган газ плита устига қуритишга қўйилган кийим-кечаклар назоратсиз қолиб турли хилдаги кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келмоқда.

Сергели тумани Спутник 15-даҳасида истиқомат қилувчи Игорь кечаси уйида телевизор кўриб, уйқуга ётиш олдидан уйи иссиқроқ туриш мақсадида ёнаётган газ плитани ўчириш ўрнига, газни пастлатиб, ухлагани ётади. Ярим кечаси уйғониб кетган Игорь ошхона томондан чиқаётган ёруғликни кўриб ҳайрон бўлади. Тезда ётган жойидан туриб ошхонага қараган вақтида, газнинг устига қуритиш учун қўйган кийими ёниб ерга тушганини кўриб ювиниш хонасига югуриб киради ва сочиқни сувга намлаб олгач, ошхонага кириб оловни ўчирмоқчи бўлади. Ёнғинни ўчирмоқчи бўлган вақтида қўлидаги нам сочиқ ҳам ёниб қўли ва юзи алангадан куйиш тан жароҳатини олди. Ёнғин деб бақириб юборган Игорнинг овозини эшитган оила аъзолари ҳам уйқудан уйғониб, тезда ёнғин хавфсизлиги хизматига телефон қилишди. Ёнғин хавфсизлиги ходимлари келган вақтида ошхонанинг том қисми очиқ аланга билан ёнаётганлигини кўриб тезда оила аъзоларини хавфсиз жойга кўчириб ёнғинни бартараф этишди.

Бундай бефарқлигимиз оқибатида содир бўладиган ёнғинларнинг олдини олишимиз учун ҳар биримиз доимо ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда очиқ оловдан, газ ва электр қурилмаларидан тўғри фойдаланишимиз лозим. Бу билан ўз оиламизнинг тинчлигини ва соғлигини ўзимиз асраган бўламиз.

Уйғун КЕЛДИЁРОВ,
Сергели тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади!
2016 йил 15 ноябрда "Тошкент" РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акция пакетлари рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи, (АҚШ доллари)	Акциялар пакетининг бошланғич нархи, сўм
1	"ASAKA BANK" АЖ	15	556 862 418	139,01	0,11	58 470 554

Қўшимча маълумотлар учун "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖга мурожаат қилишингиз мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

11-13, кундузи — 25-27 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **12 октябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **12 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси —*

(Газетанинг навбатдаги сони 13 октябрда чиқади).

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1055

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4775 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ